

## Бойлик жамлаб инфоқ қилмаслик



18:34 / 08.04.2018 5241

**«Олтин ва кумушни жамғариб, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга аламли азобнинг «хушxabар»ини беравер».**

Мазкур аламли азобнинг қандай бўлиши қуйидаги ояти каримада баён қилинади:

**Бир куни ўша(олтин-кумуш)лар жаҳаннам оташида қизитилур ва пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босилиб: «Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!»** – (дейилур).

Бу икки оятдаги олтин ва кумуш, яъни молу дунё тўплаш ҳақидаги маънолар кўпчиликни чўчитиб қўйган. Ҳатто саҳобаи киромлар ўртасида ҳам турли саволлар туғилган. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

васаллам тушунтириш берганлар.

Имом Абу Довуд ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Олтин ва кумушни жамғариб...» ояти нозил бўлганда мусулмонларга оғир келди. «Биздан бирор киши ҳам ўзидан кейинги фарзандига мол-мулк қолдирмас экан-да», – дейишди. Шунда Умар розияллоҳу анҳу:

– Мен сизларни бу кўнгилсизликлардан чиқараман, – дедилар-да, юриб кетдилар. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: – Эй Аллоҳнинг Расули! Саҳобаларингизга бу оят катта нарса бўлиб кўринди-ку, – дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Албатта, Аллоҳ закотни беҳудага эмас, балки молларингизни поклаш учун фарз қилган. Меросни эса фақат орқангиздан қоладиган мол учун фарз қилган, – дедилар. Шунда Умар розияллоҳу анҳу:

– Аллоҳу акбар! – дея такбир айтиб юбордилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига:

– Сенга эр киши учун энг яхши хазина нималигини айтайми? Аҳли солиҳ хотинки, унга назар солса, хурсанд қилади, бир иш буюрса, итоат этади. Эри ундан ғойиб бўлса, муҳофаза қилади», – дедилар».

Шу ва шунга ўхшаш ҳадисларга суянган ҳолда оятдаги аламли азобга сабабчи бўладиган жамғарма закоти берилмаган молу дунё экан, деган хулосага келинади. Дарҳақиқат, закотини бермай, мол тўплаганлар аламли азобга дучор бўладилар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Закотни адо қилмаган ҳар бир одамга қиёмат куни ўтдан тамға қилиниб, ёнбошига, пешонасига ва орқасига босилади. У куннинг миқдори эллик минг йилга тенг бўлади, то одамлар орасида ҳукм чиқариб бўлгунча, тамға босилаверади. Сўнгра ё жаннатга, ё дўзахга йўли кўрсатилади», – деганлар.

Бошқа бир ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ўзидан кейин хазина қолдирса, қиёмат куни унга икки қора нуқтаси бор кўзойнакли илон бўлиб кўринади. Унинг орқасидан қувлаб юради. Ундан:

- Сен нимасан ўзи? – деб сўраса:

- Мен ўзингдан кейин қолдириб кетган хазинангман, – дейди. Сўнгра яна орқасидан қувиб боради. У қўлини тутуди. Илон қўлини тишлаб, ютади ва тананинг қолганини ҳам юта бошлайди», – деганлар.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Тафсири Ҳилол китобидан)*